




Калинин районидаги «Бўзсув» совхозда помидор узатиш кизини. Сабзавоткорлар шаҳарлиқ меҳнатнашларга қўлаб помидор етиштириб беришда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Суратда: зверо бошлиги Карим Ашрапов «Соғва» нави помидорни қўздан кечирмоқда.

А. Абалаян фотоси.

«БЎЗСУВ» БАҲОДИРЛАРИ

Бири-бирига туташиб кетган помидор пайкалларининг беки кўринмайди. Яшаб турган помидор тулларидаги гул-гул ҳосили кўриб, кўз қувнайди. Деҳқонлар бу даладлардан далага неча ўнлаб тонна ҳосил териб топиришди. Лекин, ҳосилга ҳали қўл тегмагандай. Помидор шохлари меvasининг серобинидан зўрға қат растлаб турибди.

Бу ердаги даладар «Бўзсув» совхозига қарашли. Миришкорлар бу йил об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, экинлардан баракали ҳосил етиштиришди. Бу фидокорона меҳнат самарасидир.

Совхоз бош агрономи Турғун Холираевнинг кеска деҳқон Нўрмон ота Абдураҳмонов билан дала айланиб юрган вақтида учратди. Ўртада бошланг кетган суҳбат помидордан мўл ҳосил олиш тажрибаси, уруғлик фонди жамғариш хусусида борди.

—Алло нав уруғ — мўл ҳосил гаровидир. Бу йил даладарида помидорнинг «Подарок-105» нави уруғлик учун етиштирилди. Бу нав бошқа навларга қараганда бирмунча серхосил, меvasи йирик, консервацияга қараганда анча чидамли. Баҳорги мезокулай об-ҳаво шароитида помидор экинлари вирус касалликларига чалинмайди. Вақолалик, болпа помидорлар бу касалликдан жиддий зарар кўрибди.

«Подарок-105» нави тез пиллава ва кеч кузгача ҳосил солаверади. У қулай агротехника шароитларида гектар бошига ўртача 400—450 центнергача ҳосил беради. Шунинг учун совхозимизда бундай нави помидорни катта-катта майдонларда етиштиришми.

Нўрмон ота ҳам суҳбатга аралашди:

— Помидорнинг бу нави яхши чиқиб қолди. Айрим навадаги помидорларнинг пўсти сув таралганда четлаб, ёниб қолган. Мутахассисларнинг айтишича, бундай помидорлар консервацияга тайёрлаш учун яроқсиз бўлиб қоларкан. Уларнинг та

ли тўғри. Чунки ёрилган помидор тез бузилади, чирибди. Бу нави помидорларни эса сугорилганда мўтлақо ёрилмайди. Эти қаттиқ, ташинганда тез эзилб кетмайди.

Совхоз сабзавоткорлари ўтган йили бу навадаги помидордан баракали хирмон кўтаришди. 35 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 450 центнердан ҳосил йиғиштирилди. Пиллада 25 центнер ўрнига далада 60 центнер аёло сифатли уруғлик етказиб берилди. Совхоз икки уруғ ва тоғат сувини реализация қилиш ҳисобига ҳар гектар ердан ўртача 3600 сўм даромад олди.

Хозир даладарда йиғим-терим ажида. Иккинчи бўлиқнинг Карим Ашрапов бошлиқ механизациялашган звероноса иш айнаси қизини. Теримчи қизларнинг қўли қўлга тегмайди. Пайкал чеккаларидаги помидор тўла яшн хирмонлари кўтаринки меҳнатдан дараж бериб турибди.

—Айойиб, меҳнаткам қизларимиз бор, — деди Карим ака маъини билан. — М. Ашрапова, М. Олейникова, А. Киселевалар теримда қарвонбоши.

Кези келганда зверо аёлоларининг ўтган йили эришган айойиб ютуқлари ҳақида гапирмай ўтиб бўлмайди. Ўзгариш зверо бўлур 20 гектар помидор майдонининг ҳар гектаридан ўртача 450 центнердан ҳосил етиштирилди. Ҳар центнер помидорнинг ташириш 3 сўм 41 тийинга тўғри келди. Ҳар гектар ерга 1536 сўмлик маблаг сафланг, 3700 сўмгача пул даромади олинди.

Совхознинг биринчи бўлиқиди Қўқор Мақамов бошлиқ механизациялашган звероноса иш айнаси қизини таъридан. Бу зверо «Подарок» нави помидордан рекорд ҳосил олди, яъни 13 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 493 центнердан ҳосил йиғиштирилди.

Деҳқонларнинг даромади ҳам шунга яраша бўлди. Пилани ошириб бажаргани учун зверо аёлоларига қўшимча ра

ишда 3906 сўм ҳақ тўланди. Зверо аёлолари ҳар бир сўм меҳнат ҳақларига қўшимча 58 тийиндан мукофот олдидлар. Бу йил уларнинг даромадлари анда кўпроқ бўлиши кўзда тутилмоқда.

Ишчилар, механизаторлар ва мутахассисларнинг яқиний меҳнати, агротехника қондаларига қатъий амал қилиш, фан ишлаб чиққан ва амалда синналган илгор усулларини кең қўлланиш барча муваффақиятларнинг гарови бўлмоқда. Бир неча йилдан бери сурункасига уруғлик помидор етиштириб келатган совхоз деҳқонлари бу борада бой тажриба тўлашган. Совхозда уруғлик помидор учун яхши ва энг яхши ерлар ажратилмоқда. Бу помидор экинларини парварош қилишда механизациядан кең ва самарали фойдаланиш имкониятини беришда.

Уруғчилик участкаларида қатъий назорат уюрилган. Парварош вақтида экинлар устида ва уруғлик учун ҳосил йиғиш олдидан нав тозалаш ишлари ўтказилди. Бунда ривожланишдан қолган, касалланган ва ҳосил кам помидор туллари даладан чиқариб ташланади. Терилган ҳосил сингиллаб қўздан кечирилди. Уруғлик учун йирик, соғлом, белгили форма ва рангиди помидор меvasлари саралаб олинди. Бу ишлар «Сортсменово» системаси агрономининг назорати остида амалга оширилади.

Бир вақтлар помидор уруғини ажратиш олин учун кўп меҳнат сарфланган. Эндиликда бу ишлар тўла механизациялашган. Совхозда ҳозир уруғлик тоналдан тозаловчи БСТ-1.5 машиналари ишлаб турибди. Бу машиналар ёрдамда ажратиб олинган ва яхшилаб қуришган уруғлик «Сортсменово» базаларига етказиб берилмоқда. Тоғат суварни эса, тоғат маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилмоқда.

Совхозда помидор етиштиришнинг айойиб усталари етишиб чиққан. Коллектив улар билан ҳақли равишда фахрланади. Механизатор-зверо бошлиги Шевкет Эмиралев, машхур суварчи Нўрмон ота Абдураҳмонов, моҳир теримчилик Салима Абдураҳмонова, Назида Шерматова, Мунаввар Усмонова ва бошқа дала шувқорлари фидокорона меҳнат қилиб, ноз-неъмат бунёдкорлари шувқратини оширмоқдалар.

Н. ХИКМАТУЛЛАЕВ.
Калинин райони.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ЧЕХОСЛОВАКИЯГА СОВЕТ ТОВАРЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

МОСКВА. 6 сентябрь. (ТАСС). Кейинги вақтларда Чехословакия матбуотида СССРдан темир-руда, табиий газ ва коксизувчи кўмир етказиб бериш чеклаб қўйилганлиги натижасида Остравдаги металлургия заводалари тўла қувват билан ишламаётган, деган даъволар пайдо бўлди.

Мўтабар совет органларининг маълум қилишича, бундай даъволар асоссиз бўлиб ямаотчилик фикрини чағиритишга хизмат қилади. Совет ташқи савдо ташкилотлари 1968 йилги 21 августдан 2 сентябргача бўлган даврда чегарадаги совет станцияларида одатда ҳар суткида ўрта ҳисобда етказиб берилаётган рудани нисбатан 1,5—2 баравар кўп темир руда ортилган вагонлар Чехословакия территориясига ўтказишга тахт қилган.

Шу йил 21 августдан 1 сентябрга қадар ўтган давр ичида ҳар суткада ўрта ҳисобда

пландаги 1,3 миллион куб метр ўрнига 1,7—2,4 миллион куб метр табиий газ юбориб турилди. «Мир» бирлашган энергетика системаси доирасидан СССРдан Чехословакия Социалистик Республикасига электр энергияси ҳам тўхтовсиз бериб турилди. Чехословакияга темир-руда, нефть, кўмир, дон ва бошқа моллар юбориш бир кун ҳам тўхтатилгани йўқ. Шу йил 21 августдан 2 сентябргача бўлган даврда чегарадаги совет станцияларида одатда ҳар суткида ўрта ҳисобда етказиб берилаётган рудани нисбатан 1,5—2 баравар кўп темир руда ортилган вагонлар Чехословакия территориясига ўтказишга тахт қилган.

МАМАЛАКЛАР ОДАМЛАР БОҚЕЛАР

ОСИЕ ВА АФРИКА
МАМАЛАКЛАРИДА ЗҲР
ҚИЗИҚИШ

СИНГАПУР. Бу ерда совет кенг истеъмол молларининг виставаси очилди. Қўлаб томошбоинлар виставани келиб кўрмоқдалар. Ранг-баранг газламалар, парфюмерия, фото ва киноамералари, телевизорлар сингапурликларда айниқса зўр қизиқиш тугдиримоқда.

Совет ташқи савдо бирлашмаларининг вакиллари бу ерда Сингапурга қўлаб халма-хал моллар етказиб бериш қозонган фойдала битимлар тўзди. Сингапур бу виставида Малайзия пойтахти — Куалалумпурда ташкил қилинади. (ТАСС).

ИРОҚДА ВА КОНГО (БРАЗЗАВИЛЬ)ДА АМНИСТИЯ

БАҒДОД. Ироқ революцион қўмондонлиги кенгаши барча сиёсий маҳбусларга амнистия эълон қилди. Бу ерда эълон қилинган ахборотда таъкидлаб ўтиладики, империалистнинг ҳалла олдиди миллий сафларни жипслаштириш мақсадида ана шундай қарор қабул қилинди.

БРАЗЗАВИЛЬ. Бу ерда умумий сиёсий амнистия ҳақидаги фармон эълон қилинди. Фармонга мувофиқ, 1968 йил 15 августгача ҳукм қилинган барча сиёсий маҳбусларга амнистия эълон қилинди.

Амнистия сиёсий сабабларга кўра сирдан хукм қилинган барча қишлоқларга ҳам жорий этилди. Лекин бундай қишлоқлар ана шу фармон эълон қилинган вақтгача Конгога қайтиб келиб, маъмуриларга уйраган бўлишлари лозим. (ТАСС).

КОРЕЯ ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

Бундан 20 йил мунаадам — 1948 йил 9 сентябрда Корея Халқ Демократик Республикаси тузилганлиги эълон қилинган эди. Москва жамоатчилиги вакилларининг 6 сентябрда союзулар уйида ўтказилган йиғилиши ана шу шонли санага бағишланди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ВЦСПС раиси А. Н. Шелепин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков ва бошқалар ўтиришти. Улар билан бир қаторда Корея Халқ Демократик Республикасининг СССРдаги аъзоси Тен Ду Хван, Корея Совет дўстлиги жамияти марказий правленесининг аъзоси Ким Ен Рель бошчилигидаги шу жамият делегацияси аъзолари ўтиришти.

Йиғилишда КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Л. А. Борисов оғди. (ТАСС).

МАНГУ ҲАЁТ

Бундан ярим аср муқаддам — 1943 йилнинг 8 сентябрда Берлиндаги қамқоҳоналарнинг бирда айойиб коммунист, Чехословакиянинг миллий қаҳрамони Юлиус Фучик қонхўр фашист жаллодлари қўлида ҳалок бўлди.



ЮЛИУС ФУЧИК ЭЛДИРИЛ- ГАНИГА 25 ЙИЛ БЎЛДИ

да ҳор Россиясининг мустамлакаси бўлиб келган Ўрта Осиё халқларининг Совет ҳокимияти ишларида эришган ютуқларидан қувонди, шодликларида шерик бўлди. Ватанига қайтиб бориб, «Ўрта Осиё ҳақида» очерклари тўламини нашр эттирди.

Қаҳрамон курашчи умрининг охиригача ижод қилди. Сўнгги асари — «Сиртмоқ остида репортаж» — ҳозир ер курашдаги энг оммалашган китобларнинг бири. Асарнинг ҳаётбахш

сатрлари ҳамон яшамонда, фахшамга қарши курашга қорламоқда.

«Одамлар, мен сизларни севардим». «Хўшёр бўлинглар!» деб хитоб қилди бўйинга сиртмоқ солинган Фучик. У ҳалок бўлди, аммо ноним, буюк ишлари мангу қолди.

Шундан бери 8 сентябрини жаҳондаги барча прогрессив журналистлар бирдамлик нуни сифатида нишонлаб келмоқдалар. 6 сентябрда пойтахт матбуотининг ходимлари халққор журналистлар бирдамлиги нунини нишонладилар. Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи правленесининг раисининг ўринбосари, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қориев доклады қилди.

АФРИКАДА ЯНГИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ

ЛОНДОН. (ТАСС). Англиянинг Жанубий Африкадаги собиқ протекторати Свазиленд мустақил давлат деб эълон қилинди.

Мабана (Свазиленд пойтахти)да хабар беришларига қараганда, мустақиллик эълон қилинишига бағишланган тантанали маросим туш пайтида миллий стадионда ўтказилган. Стадионга 30 мингдан ортиқ киши тўпланган. Тантанали маросим охирида ҳарбий парад ва халқ сайли ўтказилган.

ЯНГИ ИҶВОГАРЛИК

АММОН. Исроил ҳарбийлари 6 сентябрда Иорданияга қарши яна ижвогарлик қилдилар.

Исроилликлар Алманшия районида (Иордан дарёси водийсининг шимолий қисми) Иордан қўшнлари позицияларини ўққа тутдилар. Иордан қўшнлари жавоб ўти очдилар. Бир ярим соатдан кўпроқ давом этган отишма вақтида Иордан томония талафот кўрмади. (ТАСС).

МОНГОЛ БИНОКОРЛАРИ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Сўнгги ўн йил ичида қурилиш-монтаж ишлари кенг авж олдирилганлиги натижасида Халқ Монголиясида «Капитал» қурилиш — умулхалқ иши» деган шнор пайдо бўлди. Ана шу шнор остида, деб хабар берди

МОНЦАМЭ агентлиги. 8 сентябрда мамлакатда бинокорлар кўни нишонлади.

Шу йилнинг — Монголия туртинчи беш йиллиги учинчи йилининг биринчи йилида қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 процент қўлайди.



КОРЕЯ Халқ Демократик Республикасининг Хамхн шаҳрида. ТАСС фотохроникаси.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

✦ Корея Халқ Демократик Республикаси Осиё қитъасининг шарқий қисмига жойлашган бўлиб, Корея ярим оролини шимолини эгаллаган. КХДР майдони — 127,2 миң квадрат километр, аҳолиси — 11,7 миллион киши.

✦ Корея Халқ Демократик Республикаси 1948 йилининг 9 сентябрина эълон қилинган.

✦ Корея Меҳнат партияси сафарларида 1,6 миллион аъзо бор.

✦ КХДР саноат ишлаб чиқариши 1946 йилга нисбатан 40 баравардан зиёдроқ қўлайди. Кейинги олти йил ичида саноат ишлаб чиқаришининг ўртача йиллик ўсиши 14 процентини ташкил этди.

✦ Яқин йиллар ичида саноат ишлаб чиқаришини икки баравар қўлайтириш ва қишлоқ

хўжалигида техник революцияни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

✦ Саноатнинг қазиб олинган тармоқлари ва электр энергетикасида ҳукумат 1966 йилда капитал қурилишга ажратилган ҳажма маблагини 34 процентини сарфлади. 1967 йилда оғир индустриянинг янги объектларини қуриш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун бундан ҳам кўпроқ маблаг сарфланди.

✦ 1966 йилда 70 дан ортиқ ўрта ва унча катта бўлмаган машинасозлик корхонаси ишга туширилди. Бултур эса худди шундай корхоналардан 30 дан ортиги, шу жумладан станок ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилди.

✦ Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турларини етиштириш мамлакат овоз бўлди.

гунга қадар етиштирилганга қараганда икки баравар қўлайди.

✦ Шимолий Корея қишлоқларининг 98,2 проценти электрдан баҳраманд бўлмоқда. Қишлоқларда электрлаштиришни ижросига етказиб, ишлаб чиқариш механизациялашнинг тезлаштириш, химияни қўллаш, ирригация ва мелiorация ишларини кенгайтириш масалалари ҳал этилмоқда.

✦ Совет Иттифоқи КХДРга 1953—1966 йилларда ердан тариқасида 293 миллион сўм пул берди. Бу пулга республикада 21 та саноат корхонаси ва бошқа қатор объектлар қурилди.

✦ Ҳозирги вақтда мамлакат халқ хўжалигининг турли тармоқларида олми ва ўрта маълумотга эга бўлган 430 миңга яқин мутахассис ишламоқда.

